Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 декабрь жума
Сотувда эркин нархда
№ 265 (2827)

**Ислом КАРИМОВ:**
*Такрор айтаман: тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмоғимиз зарур.*

## ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



### 27 декабрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

Дўрмон қароргоҳида Тожикистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятлари муштарак бўлган икки қардош халқнинг мамлакатларимиз истиқлолга эришганидан кейин қардошлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Тожикистонга буюрган ташрифлари ва ўз навбатида Тожикистон Президентининг юртимизда бир неча бор меҳмон бўлгани, қолаверса, 2000 йилнинг июнь ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома бунинг далилидир. Имомали Раҳмоновнинг юртимизга бу галги ташрифи ҳам яқин қўшничилик, дўстлик ва турли жабҳалардаги шерикчилигимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Президентларнинг дўстона мулоқоти чоғида асосий эътибор давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ўзаро манфаатли асосда ҳар томонлама ривож топтириш, хусусан, савдо, иқтисодиёт борасидаги, давлат чегараларини делимитация қилиш, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика, фан, маданият, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига қаратилди. Шунингдек, Афғонистонда кечаётган ўзгаришлар, минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризм билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди. Таъкидландики, давлатларимиз хавфсизлиги, чегаралар дахлсизлигини таъминлашда икки томон ҳам фаол бўлмоғи керак ва бу борада ўзаро ҳамда БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама самарали ҳамкорлик айни пайтда муҳим вазифа саналади.

Президентимиз Ислом Каримов Тожикистон раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ташриф ўзаро муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқадиган муҳим воқеа эканини таъкидлади. Имомали Раҳмонов янги йил арафасида Тошкентда меҳмон бўлиб турганидан мамнуният изҳор этиб, Тожикистон делегациясини юксак даражада кутиб олгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокараларда икки мамлакат расмий делегациялари савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди.

Албатта, ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 80 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ, бир томондан бу ҳолни минтақада юзага келган сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда баҳоламоқ керак. Айтиш жоизки, қўшни афғон тупроғида террор ўчоқлари пайдо бўлиши, наркобизнеснинг авж олиши, қолаверса, Тожикистоннинг ўзида бир неча йил давомида ҳукм сурган нотинчлик ўзаро борди-келди, олди-сотдига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Аммо, эндиликда Тожикистон учун барқарорлик ва иқтисодий тикланиш даври бошланган. Афғонистонда ҳам халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатлари билан аста-секин тинчлик ўрнатилиб, янги ҳаёт қарор топмоқда. Шундай экан, энди Ўзбекистон ва Тожикистон учун барча имкониятларни ишга солиб, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни жадал ривожлантириш айни долзарб ва муҳим вазифадир.

Шу боис Дўрмонда ўтган музокараларда президентларнинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш, яқин вақт ичида унинг биринчи мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Шунингдек, транспорт коммуникацияси, хусусан, автомобиль, темир йўл, ҳаво алоқаларини кенг йўлга қўйиш, сув ҳавзалари, сув-энергетика заҳиралари ва сув хўжалиги қурилмаларидан биргаликда оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан, икки мамлакатда телевидение дастурларининг ўзаро намойишини йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда музокаралар натижалари, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари хусусида гап борди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: расмий ташриф пайти.**

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, 27 декабрь куни мамлакатимизга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди

Сўнгги вақтларда Марказий Осиё дунё ҳамжамиятининг диққат марказига айланиб қолгани сир эмас. Қўшни Афғонистондаги воқеалар дунё давлатлари диққат-эътиборини минтақамизга тортди. Террор, наркобизнес, экстремизмнинг уясига айланиб қолган Афғонистон бугун бу иллатлардан холи мамлакатга айланмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон раҳбари юритган оқилона сиёсатнинг муҳимлиги Марказий Осиёгина эмас, дунё хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам халқаро майдонда юқори баҳоланмоқда.

Тошкент ҳамиша тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган долзарб учрашувлар мезбони бўлиб келган. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларни белгилашда ўзига хос марказга айланиб қолди. Илгари ҳам тўрт мамлакат президентлари Тошкентда учрашиб, минтақада юзага келган долзарб муаммолар юзасидан фикрлашган, йиғилиб қолган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларга оид масалаларни ҳал қилган эди.

Бу галги Тошкент саммити ҳам, таъкидланганидек, Ўзбекистон ташаббуси билан уюштирилди. Ундан кўзланган мақсад икки ва кўп томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтириш йўлларини излаш билан бирга, 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг минтақамизга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини таҳлил этиш, тегишли хулосалар чиқариш, ўзаро фойдали қарорлар қабул қилишдан иборатдир.

Тўрт мамлакат давлат раҳбарларининг Дўрмон учрашувида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. 28 декабрь куни президентлар музокараларни давом эттиради.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши қонунчилик ва ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш комиссиясининг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Адлия вазири, мазкур комиссия раиси А.Полвонзода бошқарди.

Мазкур комиссия котиби, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Е.Каньязовнинг ахборотида ўтган йил мобайнида комиссия томонидан бозор иқтисодиёти ислоҳотларининг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Йиғилишда мамлакатимиз ҳудудида хорижий судлар ҳукмларининг ижроси, юридик шахсларни рўйхатга олиш қонунчилигини такомиллаштириш, чет эл сармоясига бериладиган кафолат ва имтиёзлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● ***Британиянинг 300 та ҳарбий аскари кеча Афғонистоннинг Баграм авиабазасига етиб келди. Бу ҳақда Британия мудофаа вазирлигининг расмий вакили маълум қилди. Унинг айтишича, уларнинг вазифаси яқинда Афғонистон хавфсизлигини таъминлашда ёрдам берувчи Халқаро кучлар келиши учун шароит яратишдир, дейилади «РИА-Новости» хабарида.***

● ***«Толибон» ҳаракатининг раҳнамоларидан бири мулло Жалолиддин Ҳаққони оғир жароҳат олган. Бу ҳақда Афған Исламик Пресс агентлиги хабар қилди. У 16 ноябрда Хост шаҳрида Америка авиацияси томонидан ўтказилган бомбардимон пайтида қаттиқ яраланган ва унинг натижасида ҳалок бўлган, деган тахминлар ҳам бор.***

● ***«РИА Новости» агентлигининг хабарига кўра, кеча Афғонистонга бир гуруҳ россиялик мутахассислар келишган. Улар Салангдаги туннел иш фаолиятини қайта тиклашда иштирок этадилар. Гуруҳ раҳбари Николай Зориннинг айтишича, гуруҳ 21 кишидан иборат бўлиб, унинг 4 таси мина қидирувчилардир. Улар бугундан бошлаб ишга киришишни мўлжалламоқдалар.***

● ***Аргентина судьяси Хорхе Бальестеро собиқ молия вазири Доминго Кавальонинг хорижга кетиши учун қилган илтимосини рад қилди. У Буйнос-Айресдаги (19 декабрь) тартибсизликларнинг асосий сабабчиси, деб ҳисобланаяпти. Хабарларга кўра, у бундан ташқари 1991-1995 йиллари Эквадор ва Хорватияга ноқонуний қурол сотишда ҳам айбланиши мумкин.***

**«Интернет» хабарлари асосида Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.**

*Олий Мажлисда*

## Хусусий нотариусларни кўпайтириш зарур

### Қўмита йиғилиши қарорида ана шундай тавсия берилди

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилишида «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинганда бир нарсага қаттиқ ишондим: нотариат тизимида кескин рақобат бошланибди. Бу, албатта яхши. Чунки рақобат бор жойда ўша соҳа ҳам ривожланади, ҳам хизмат маданияти юксалади.

Маълумки, «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариусларга ҳам имконият берилган эди. Шунинг билан биргаликда жойларда давлат нотариуслари ҳам ишлаяпти. Гарчи айни пайтда хусусий нотариуслар барча минтақаларимизда бўлганидек, Тошкент шаҳрида ҳам камчиликни ташкил этаётган бўлсада, лекин яратилган шароит, техник жиҳозланиши ҳамда хизмат маданиятининг баландлиги билан давлат нотариусларига нисбатан устунлик қилаётгани сир эмас. Айрим давлат нотуриуслари жойлашган бинонинг ҳолатини кўриб ачинасан, киши. Техник жиҳозланиши ҳам ҳаминқадар. Устига устак, битта хусусий нотариус ўнга яқин кишини иш билан таъминланишига сабаб бўлаяпти. Давлат нотариусларида эса бу борада мутлақо тескари ҳолатни кузатиш мумкин.

Айни пайтда Тошкент шаҳрида 43 та давлат нотариат идорасида 83 та нотариус, 23 та хусусий нотариус фаолият кўрсатаяпти.

Йиғилишда шу нарса маълум бўлдики, Адлия вазирлигининг топшириғи билан нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш чоғида фуқаролардан қонундагисидан ташқари қўшимча маълумотномалар ҳам талаб қилиниши шарт қилиб қўйилган. Хусусий нотариуслар фаолиятига сунъий тўсиқлар қўйилаётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Хусусий нотариуслар бугун ўзининг устунлигини ҳар жиҳатдан кўрсатаётган ва бунга пойтахтимизда талаб ва таклиф бор экан, нега уларнинг сони кўпаймаяпти? Зеро, хусусий секторни ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири-ку. Қолаверса, жаҳон амалиётида ҳам хусусий нотариуслар сон жиҳатдан устун мавқега эга бўлиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу борада талай муаммолар юзага келган. Ҳам амалиётчиларимиз, ҳам қонунчиларимиз айни шу масалада жиддий бош қотиришлари, бир стол атрофида ўтириб, мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимларини топишда биргаликда саъй-ҳаракат қилишлари лозимга ўхшайди.

Йиғилиш қабул қилган қарорда мавжуд шароит, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда хусусий нотариусларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки барча минтақаларимизда кўпайтириш зарурлиги тавсия этилди.

Йиғилишда қўмита раиси Илгизар Собиров қўмитанинг 2002 йилга мўлжалланган иш режаси ҳақида ҳам ахборот берди.

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилди.

Юртимизнинг минглаб зиёлилари, фан ва давлат арбоблари собиқ шўро тузуми даврида қатағон қурбони бўлди. Қорақалпоғистонда ҳам қатағонга учраганлар кўпчиликни ташкил этади. Янги бўлим шаҳар ва туманларда "Шаҳидлар ёдгорлиги"ни барпо этиш, қурбон бўлганлар ҳаётини ўрганиш, асл тарихни тиклаш ва ёзма ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланади.

**(ЎзА).**

## БИЗНИНГ СЎРОВНОМА



**1. Якунланаётган йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган қайси энг муҳим воқеалар ва ўзгаришлар ёдингизда қолди? Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа уларга қай даражада ҳисса қўшди, деб айта оласиз?**

**2. Янги — 2002 йилнинг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолаяпти. Бугунги кунда, сизнингча, республикамиз иқтисодиётининг янада жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган қанақа муаммолар мавжуд? Бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун қандай аниқ таклифларни билдиришни истардингиз?**



## ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Бадриддин ХОЛМУҲАММЕДОВ,**
**«Озиқовқатсаноат» уюшмасининг раиси:**

**1.** *Ўтаётган йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим бурилишлар даври бўлди. Негаки, қайси соҳада бўлмасин, амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ижобий ўзгаришларни "Озиқовқатсаноат" уюшмаси корхоналари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, жорий йилга мўлжалланган инвестиция дастурига кўра, "Хоразмшакар" заводи таъмирланиб, шу мақсадда 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилди. "Шакар-Инвестмент" қўшма корхонаси ташкил этилиб, унинг ёрдамида республикамизга 30 минг тонна шакар хомашёси келтирилди. Бу хомашё "Хоразмшакар" корхонасида қайта ишланиши натижасида истеъмолчиларга 24 минг тонна шакар етказиб берилди. Янги корхонанинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан, шунингдек 765 та мавсумий ва 80 та янги иш ўрни яратилди. Айни чоғда шакар ва солод ишлаб чиқариш бўйича локализация дастурининг ижроси туфайли нафақат тармоқ корхоналари, балки уюшма таркибига кирувчи кичик бизнес субъектларининг ривожланиши учун ҳам қулай шароит вужудга келтирилди.*

**2.** *Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган "Хоразмшакар" заводини тўла қувват билан ишга тушириш, уни етарли миқдорда қанд лавлаги ва бошқа турдаги хомашёлар билан таъминлаш уюшма жамоаси олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, тизимдаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун зарур бўлган кредит механизмини янада соддалаштириш, бу борадаги расмиятчиликларга барҳам бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ана шу муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга аниқ таклифларимизни киритдик.*

**«Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ ёзиб олди.**

**Ғофуржон АЛИЕВ,**
**Боёвут туманидаги «Боёвут» ширкатлар уюшмасининг раиси:**

**1.** *Қашқадарё вилоятида яқинда ишга тушган, ўзининг ишлаб чиқариш ҳажми, киритилган чет эл сармоясининг кўлами жиҳатидан Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида тенгсиз ҳисобланган «Шўртангаз» мажмуини Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг катта ўзгаришлардан бири бўлди, деб ўйлайман. Шубҳасиз, бундай йирик мажмуалар нафақат мамлакатимиз салоҳияти ва қудратини кўрсатади, балки эртанги кунда кимё саноатимизнинг янада юксалишига, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошиши, одамлар даромадининг кўпайишига ҳам асос бўлади. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳар бир жамоа, ҳар бир корхона ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Жумладан, хўжалигимиз ҳам бу йил давлатга салкам 8 минг тонна дон, 10,5 минг тонна пахта етказиб бериб, ана шу улуғ мақсадга ўзининг ҳиссасини қўшганлиги билан фахрланамиз. «Меҳнатга яраша даромад» деганларидек, якунда 200 дан зиёд оилавий пудрат ва фермер хўжаликлари 1,7 миллион сўмдан тортиб то 10 миллион сўмгача соф фойда олдилар.*

**2.** *Қишлоқ хўжалигининг муҳим бир нуқтаси бор: у ҳам бўлса, етказиб берилган маҳсулотга ўз вақтида ҳақ тўлашни таъминлашдир. Ҳосилни қайта ишлайдиган корхоналар мана шу масалани ижобий ҳал этсалар, ўйлайманки, қўлга киритаётган ютуқларимиз бугунгидан ўн чандон кўпаяди. Бунинг учун изланиш ва яна изланиш керак.*

**«Халқ сўзи» мухбири Алимқул ХОНИМҚУЛОВ суҳбатлашди.**

# ИНСОНПАРВАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИНСОНПАРВАР ДАСТУРИ



***Хабарингиз бор, шу йил 6-7 декабрь кунлари Ватанимиз пойтахти — Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар кўплаб муҳим ҳужжатлар қаторида «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастур»ни ҳам тасдиқладилар.***

***Бу Дастур мамлакатимизда фаол амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурлар — «Оила манфаатларини ҳимоя қилиш» (1998 йил), «Оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш» (1999 йил), «Соғлом авлод учун» (2000 йил) ва «Она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш» (2001 йил) Давлат дастурларининг мантиқий давоми бўлиб, у иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш шароитида республикамиз аҳолисининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофазалашни кучайтириш, унинг самарадорлиги ва мақсадлилигини оширишга йўналтирилгандир. Бошқача айтганда, Дастурнинг асосий тамойиллари Президентимизнинг биринчи чақириқ Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида, юқорида номлари қайд этилган Давлат дастурларида белгилаб берилган вазифалар ва юртимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини 2002-2003 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболларидан келиб чиқиб, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таклифларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу маънода, уни инсонпарвар мамлакатимизнинг инсонпарвар дастури, деб баҳолаш мумкин.***

***Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кириб келаётган 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу аслида ота-оналаримизни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш масаласи ҳукуматимизнинг диққат-марказида турганлигидан далолат беради. Зеро, қариялар қадрланган жамиятда файзу барака аримас.***

***Энди суҳбатимиздан асосий ўрин олган Дастуримизга қайтсак.***



## Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин республикамизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг миллий модели ишлаб чиқилдики, унда кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати юргизиш бу моделнинг марказий бўғини сифатида белгиланган. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг инсоният ривожини — инсон, оила ва жамият имкониятларини кенгайтиришга қаратилган умумбашарий қадриятларни иззат-ҳурмат қилишини яна бир карра исботлади. Ўтиш даврида молиявий заҳираларнинг танқислигига қарамасдан, ҳукуматимиз ана шу заҳираларнинг борини инсон ва унинг ижтимоий ривожланишига йўналтира билгани, ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг 45-50 фоизи мазкур мақсадларга сарфланаётгани, умуман, мамлакатимизда 2,2 миллиондан зиёд оилага турли йўналишлар бўйича бевосита ижтимоий ёрдам кўрсатилаётгани бунинг тасдиғидир.

Бир мисол. Агар республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичи (1991-1994 йиллар)да давлат томонидан аҳолининг барча табақаларини ижтимоий ҳимоялаш орқали бозор муносабатларига ўтишнинг салбий таъсирларини юмшатишга қаратилган сиёсат юритилган бўлса, кейинги йилларда аҳолида аста-секин бозор кўникмалари ҳосил бўлиши туфайли уни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда шу тарзда аниқ мақсадлилик йўналишларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, истиқлолнинг 10 йили мобайнида мамлакатимизда аҳолини, шу жумладан, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос мукаммал тизими — ривожланган механизми яратилди. Бу тизим эса бир қатор асосий қоидаларга таянади. Фуқароларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишда ижтимоий адолатни, холислик ва ошкораликни таъминлаш, инсонпарварлик, биринчи навбатда нуфуснинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмаклашиш, ижтимоий ҳимоя тадбирларининг аниқлиги ва мақсадли йўналишига эришиш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш учун зарур шароит яратиш, боқимандаликка йўл қўймаслик, жамиятнинг асоси бўлмиш оилани қўллаб-қувватлаш, унинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини рағбатлантириш, оила аъзолари, айниқса, фарзандларнинг моддий фаровонлиги учун ота-оналар масъулиятини кучайтириш, уларнинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий камол топиши йўлида таълим ва касб-ҳунар савиясини ошириш учун етарли шароитларни вужудга келтириш, барча поғоналардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ўртасида аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишга оид вазифалар ва масъулиятнинг аниқ тақсимланиши ҳамда мазкур вазифаларнинг юқори органлардан қуйи органларга ўз вақтида етказилишига эришиш шулар сирасига киради.

Ушбу қоидаларга жойларда тўла-тўкис, қатъий амал қилиниши пировардида жамики аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан унинг чиндан ҳам ёрдамга муҳтож айрим гуруҳларини қўллаб-қувватлашга ўтиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда шаклланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги тизими сўнгги тоифага кирувчи барча табақаларни қамраб олгандир.

## Нафақа ва имтиёзлар

Ҳозирги кунда республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир фуқароларнинг **14 тоифаси учун 136 турдаги нафақа ва имтиёзлар кўзда тутилганини** кўпчилик билмаса керак. Ана шу тоифага кимлар киради? Келинг, санаб чиқайлик:

1. 1- ва 2- гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар (болаликда содир бўлган ногиронлиги туфайли ногиронлик пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан катта шахслар).
2. Чернобиль АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда қатнашганларнинг орасидаги ногиронлар.
3. Болаликдан ногирон ва доимий парвариш талаб қиладиган фарзандини тарбияловчи ота ёки она.
4. Ёш юзасидан пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган ёлғиз кексалар (эркаклар — 65 ёшдан, аёллар — 60 ёшдан).
5. Пенсионерлар, шу жумладан, ўзгаларнинг парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар.
6. «Меҳрибонлик» уйлари ва мактаб-интернатларни битириб чиққан ва оиласи, қариндошлари ёки васийлари бўлмаган етим болалар.
7. Мактаб ва гимназияларнинг ўқитувчи-профессорлари, мактабгача болалар тарбия муассасаларининг тарбиячилари, педагог ходимлар.
8. Врачлар, провизорлар, қишлоқ жойлардаги ўрта малакали тиббиёт ходимлари ва улар орасидан пенсияга чиққан шахслар.
9. Боқувчисидан ажралган оилалар.
10. Кам таъминланган оилалар.
11. Ижтимоий хусусиятга эга сурункали ва оғир шаклдаги касалликларга чалинган, лекин ногирон бўлмаган шахслар.
12. Бандлик органларида расмий қайд этилган ишсизлар.
13. 18 ёшга тўлмаган ўғил-қизлар.
14. Хавфли минтақалар ва ҳудудлардан кўчирилган болалар ҳамда 18 ёшга етмаган ўсмирлар.

## Муҳим уч йўналиш

Бизда давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими учта асосий йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Мана, улар:

— фуқаролар ва оилаларга пул тарзида ёки табиий шаклда бериладиган бевосита давлат ёрдами (трансфертлар);

— мақсадли ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар;

— компенсацион имтиёзлар ва тўловлар.

## Давлат ёрдами (трансфертлар)нинг турлари

Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, юқорида таъкидланганидек, бевосита давлат ёрдами (трансфертлар) берилмоқда. Давлат бюджети маблағи ҳисобидан қопланадиган бу трансфертларнинг бир неча тури мавжуд. Чунончи:

— **16 ёшга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар.** Бундай нафақалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги Фармонига биноан белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда у 0,9 миллион оила ёки жами фарзандли оилаларнинг 17,6 фоизига тўланмоқда;

— **боласи икки ёшга тўлгунча оналарга бериладиган нафақалар.** Президентнинг 1999 йил 13 февралдаги Фармонига кўра, ушбу нафақа туғилган боланинг онасига ёки унинг ўрнини босувчи шахслар (ота, асраб олувчи, васий ва бошқа қариндошлар)га бола икки ёшга тўлгунга қадар берилади. Ҳозирги пайтда республикамиз бўйича уни олувчилар сони бир миллиондан ортиқдир. Табиий савол туғилиши мумкин: у қандай расмийлаштирилади? Ишловчи (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олувчи, хизматни ўтовчи) оналар (унинг ўрнини босувчи шахслар)га болани парвариш қилиш нафақаси иш, ўқиш, хизматлар жойида тайинланади. Бу нафақаларнинг тўлаш харажатлари эса корхоналарнинг ўз маблағи ҳисобидан, уни маҳсулот таннархига қўшган ҳолда қопланади. Ишламайдиган оналарга-чи? Уларга бундай нафақа яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади;

**Долзарб мавзу**





— **кам таъминланган оилаларга тўланадиган моддий ёрдам.** Президентнинг 1994 йил 23 августдаги Фармонига асосан белгиланган нафақанинг мазкур туридан қарийб 250 минг оила фойдаланмоқда. Ана шу ойлик моддий ёрдамни тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тартиби қандай? Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оиланинг шундай ёрдам турига муҳтожлик даражасига қараб, тегишли қарорни қабул қилади;

— **кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларини қишки кийим-кечак комплектлари (пальто, телпак, пойабзал, қўлқоп) билан таъминлаш.** Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарорига мувофиқ, ҳозирги пайтда бошланғич синфлар ўқувчиларининг 15 фоизи бу имтиёздан баҳраманд бўлмоқда. Қишки кийим-кечак билан таъминланишга муҳтож бўлган ўқувчилар доираси мактабларнинг ота-оналар қўмиталари ва педагог жамоалари томонидан белгиланади;

— **«Меҳрибонлик» уйлари ва мактаб-интернатларни битирган ва оиласи, қариндошлари ёки васийлари бўлмаган етим болаларнинг моддий таъминоти.** Бу тоифадаги болалар ўзларига кийим-кечак, пойабзал ва анжомлар сотиб олишлари учун энг кам иш ҳақининг 1,6 баробари миқдорида маблағ ва минимал иш ҳақининг 1,5 баробари миқдорида нафақа пули билан таъминланмоқда;

— **ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар, қариялар ва ногиронларни 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.** Президентнинг 1991 йил 12 майдаги Фармонига биноан, айни кунларда 16 минг кишига шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг доираси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда белгиланса-да, тегишли озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан етказиб берилади.

Булардан ташқари, аҳолининг айрим ижтимоий ночор табақалари (биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар, пенсия тайинлаш учун етарли меҳнат фаолияти давомийлигига эга бўлмаган кексалар, етим болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва бошқа тоифадаги фуқаролар) борки, улар ҳам давлатнинг мақсадли ижтимоий ёрдамидан баҳраманд бўлмоқдалар. Уй-жой-коммунал, транспорт хизматларининг ҳақини тўлаш, даволаш-профилактика муассасаларида бепул дори-дармон билан таъминлаш, санаторий-курортларга йўлланмалар ажратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўқув анжомлари бериш шулар жумласидандир. Ана шу ёрдам, табиийки, мақсадли ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар тарзида берилаётир.

Фақат шугина эмас. Тахминан 2 миллион нафардан зиёд фуқаро ва уларнинг оила аъзолари давлат олдидаги хизматлари, иккинчи жаҳон уруши ва бошқа ҳарбий ҳаракатлардаги иштироки учун бериладиган имтиёзлардан ҳам фойдаланишмоқда. Қолаверса, фалокатлар ва табиий офатларни тугатишда қатнашган шахсларга компенсация тўловлари жорий этилган бўлса, болалар боғчалари ва уйларининг тарбиячилари, ўқитувчилар, врачлар, провизорлар эса уй-жой-коммунал хизмат тўловчилари бўйича қонунчиликда белгиланган имтиёзларга эгадирлар.

Буларнинг ҳаммаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини уларнинг асосий даромадларига қўшимча равишда мақсадли даромадлар билан таъминлаш учун шароит яратмоқда.

## Янгиликлар нималардан иборат?

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат томонидан хусусий тадбиркорлик фаолияти учун шароит яратиш, одамларда меҳнат қилишга бўлган мойилликни кучайтириш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, оқилона бандлик тизимини яратиш жараёнларига ижтимоий муҳтож ва кам таъминланган аҳолини жалб қилиш ўз навбатида уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. 2002 —2003 йилларга мўлжалланган янги Дастур айни шу асосда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

**Аҳолининг ҳақиқий даромадларини кўпайтириш.** Давлат ғамхўрлигининг яна бир қирраси — бу бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақларини инфляция суръатидан ортиқ миқдорда оширишдир. Айниқса, Дастурда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва профессионал коллежлар ўқитувчилари, шифокорлар ва ўрта малакали тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, уларнинг иш ҳақлари бошқа бюджет муассасалари ходимлари иш ҳақларига нисбатан 10 фоиз кўпайтирилади.

Бюджет тизимидаги ишчи-ходимлар, биринчи навбатда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари иш ҳақи миқдорининг жадал ошириб борилиши охир-оқибатда ушбу соҳаларга юқори малакали кадрларни жалб этишга ҳамда ўртача иш ҳақи миқдори ўртасидаги табақалашувнинг давомли равишда қисқаришига олиб келади.

**Кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш.** Ушбу йўналишда ана шу оилаларга тўланадиган моддий ёрдам харажатлари ҳажмини ҳозирги кунда Давлат бюджетидан ажратилаётган молиявий маблағлар ҳажмига қараганда 2 баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Мазкур тадбир бундай оилалар қамровини ошириш ва бу кўрсаткични оилаларнинг умумий сонига нисбатан 10 фоизгача (йилига моддий ёрдам оладиган оилалар 500 мингдан зиёд) етказиш имконини беради.

Қўшимча молиявий ёрдамни тақсимлаш жараёнида, аввало, қурғоқчилик ва табиий офатлардан зарар кўрилиши оқибатида меҳнат фаолиятидан мустақил равишда, тўла-тўкис даромад олиш имконияти мавжуд бўлмаган ёки жиддий тарзда чегараланган туманларнинг аҳолисига ёрдам беришга устувор аҳамият берилади.

Шу билан бирга, 2 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга бериладиган болани парвариш қилиш нафақасининг миқдори энг кам иш ҳақининг 1,5 баробаридан 2 баробари миқдоригача белгиланиб, у 2002-2003 йилларда босқичма-босқич ошириб борилади. Ёшларни таълим жараёнига кенг кўламда жалб этишга эришиш мақсадида эса 16 ёшгача фарзандлари бўлган нафақа олувчи оилаларнинг категориясига умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида 16 ёшдан 18 ёшгача фарзандлари ўқийдиган, аммо кам таъминланган оилаларни ҳам киритиш мўлжалланаётир.

**Умумтаълим мактабларининг ўқувчилари — кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш.** Дастурга мувофиқ, қишки кийим-кечак комплектларини олувчилар доирасига кам таъминланган оилаларнинг кичик синфларда ўқийдиган болалари билан бир қаторда уларнинг юқори синфлардаги фарзандлари ҳам қўшилади. Биринчи синф ўқувчиларининг барчаси, шу жумладан, кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчилари эса кутубхона жамғармасидан дарсликлар тўплами билан таъминланади. Жумладан, 2002 йилда ушбу категорияга кирувчи ўқувчилари сони 75 фоизгача, 2003 йилда 100 фоизгача етказилади.

**Етим болаларни, ота-онасининг қаровисиз қолган, балоғатга етмаган назоратсиз болаларни ҳамда ўсмирларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш.** 2002-2003 йилларда барча турдаги таълим муассасалари (шу жумладан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари)ни битирувчи етим болалар ва ота-оналарнинг қаровисиз қолган болаларга уларни ишга жойлаштириш мақсадида бюджетдан ажратиладиган пул маблағлари миқдори 5,5 баробар оширилади. Шу йўсинда уларни кийим-кечак, пойабзал ва инвентарлар билан таъминлаш йўлга қўйилади. Барча турдаги ўқув юртларида таҳсил олаётган шу тоифадаги болаларга эса, агар ўқув юрти турар жойларидан олис масофада жойлашган бўлса, бюджет ҳисобидан имтиёзли ойлик йўл чипталари берилади.

**Пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоялаш тизимининг мақсадлилигини ошириш ва уни янада такомиллаштириш.** Бу йўналишда пенсия миқдорининг меҳнат ҳиссасига боғлиқлигини кучайтириш орқали уни самарали рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини яратиш режалаштирилмоқда. Айни чоғда пенсия миқдорини белгилашда меҳнат фаолияти давомийлиги бўйича чеклашлар бекор қилинади, тайинланган пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти давомийлигига узвий боғлиқлиги таъминланади.

**Қишлоқ ўқитувчиларининг ахборот билан қўллаб-қувватлашни яхшилаш.** Шу мақсадда барча қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари кутубхона фондлари учун маҳаллий бюджетларнинг даромади ҳисобидан 10 тургача газета ва журналларга (асосан республика оммавий ахборот воситаларига) обуна ташкил этилади.

Дастурда, шунингдек, одамларнинг оқилона бандлигини қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, шу тариқа аҳолининг даромадларини ошириш, муҳими, унинг кам таъминланган қатламларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Дастур аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга эришиш, биринчи галда унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофаза этишга қаратилган аниқ тадбирларни рўёбга чиқариш масалаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жалб этиш даражасининг оширилишини кўзда тутади, шу тоифадаги гуруҳларнинг иқтисодий фаоллигини кучайтиришга, иш билан бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромадларини кўпайтиришга ёрдам беради.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЮНЕСКО СОВРИНИ СОҲИБИ

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси БМТ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотининг "Тинчлик устуни" соврини билан тақдирланди.

2000 йилни ЮНЕСКО "Тинчлик маданияти йили", деб эълон қилган эди. Худди шу йили унинг Бирлашган мактаблар тармоғи дастури доирасида илк бора таъсис этилган ушбу биллур соврин тинчликка йўналтирилган таълим соҳасида амалга ошириладиган эзгу ишлар учун берилади.

Шунингдек, юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳам ушбу соврин мамлакатимизга топширилишига муҳим асос бўлди. Зеро, бу дастур дунёда "таълимнинг ўзбек модели" сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур совринга ЮНЕСКОга аъзо 190 давлат орасида айнан мамлакатимиз сазовор бўлгани бежиз эмас. ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура номидан келган мактубда шундай дейилади: "Биз Ўзбекистонда таълим соҳасида қилинган ишларнинг сифати юқорилигини, нафақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг, балки бутун жамиятнинг тинчлик йўлида таълимга йўналтирилган ялпи сафарбарлигини ҳисобга олиб ва бундай сиёсат дунёда тинчлик, барқарорликни янада мустаҳкамлашига ишонч билдириб, "Тинчлик устуни" совринини ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссиясига топширишни лозим деб топдик".

Дарҳақиқат, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ўтган давр мобайнида ёшлар ўртасида тинчлик, бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишларни бажарди. Хусусан, юртимизда ҳар йили Халқаро ёшлар лагери ташкил этилиб, унда Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Германия, Япониядан ҳам йигит-қизлар қатнашади. Улар ўзаро дўстлашади ва тинчликни мустаҳкамлашга оид давра суҳбатлари, мунозараларда иштирок этади. Шунингдек, комиссия томонидан тайёрланган тинчлик, диний бағрикенглик мавзуини қамраб олувчи талайгина нашрлар, CD-ROM ва мультимедиа дисклари, аксарият таълим муассасаларимиздаги тарих, ҳуқуқшунослик, "Одобнома", "Миллий истиқлол ва маънавият асослари" каби фанларда унумли фойдаланилмоқда.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо илм муассасаларимиз эса кўплаб халқаро ташкилотларнинг мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, бу ўқув даргоҳларида 1999 йилдан бошлаб жамоат таълим марказларининг ташкил этилиши ва уларнинг тинчлик, бағрикенгликни тарғиб этиш, умуминсоний қадриятларни қадрлашга оид фаолиятига юқори баҳо берилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## Ташаббус сўнмасин

«Камолот» ёшлар жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлими ташаббуси билан Бахт шаҳрида ҳудудий меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. У 200 нафардан зиёд ёшларнинг иш билан таъминланишига ёрдам берди.

Кейинги вақтда Сирдарё туманида бундай ярмаркалар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ана шу тадбирлар туфайли ўн бир ойда тумандаги бир ярим минг нафарга яқин киши иш билан таъминланди. 874 нафар киши касби бўйича меҳнат қила бошлади. Уларинг 54 нафари эса қайта касб тайёргарлиги бўйича ўқишга жалб этилди.

